



Шайбонийлар сулоласи (XVI аср) Бухоро тарихида ўз ўрнига эга. Сулоланинг Бухорода ҳукмронлик қилган саккиз вакилидан фақат учтасининг – Убайдуллахон (1533-1539), Абдулазизхон (1539-1549), Абдуллахон (1557-1598) номларини эъзоз билан тилга олиш мумкин. Улар даврида Бухоро йирик сиёсий, маданий марказга айланди. Қатор обидалар қад ростлади, шаҳар шухрати ортди. Шайбонийлардан Пирмухаммадхон, Муҳаммадёр султон, Бурхон султон, Абдулмўминхон каби соҳиби тожлар ҳукмронлик даврида эса (Искандархон бундан истисно) аксинча, ўзаро тож-тахт талашишлар, яққа ҳукмронлик даъвоси, бир-бирига оқибатсизлик авж олди.

Тож-тахтга қучли меҳр қўйган шайбонийлардан бири Бурхон султон эди. У 1551-1557 йилларда Бухорони бошқарди. Бурхон султон шайбоний Убайдуллахоннинг невараси, яъни Муҳаммад Раҳим султоннинг ўғли эди. Лекин у бобоси сингари салмоқли ишларни амалга ошира олмади, ҳукмронлик даври Бухоро тахти даъвогарлари билан мунтазам курашларда ўтди. Ўша даврда Бухоро ахлининг маънавий раҳнамоси, Накшбандия тариқати пешвоси Хўжа Ислоҳ Жўйборий (1493-1563) марҳаматига ҳам сазовор бўла олмади. Ўрта аср тарихчилари Бурхон султон ҳукмронлик даврини алоҳида бир изтироб билан ёзиб қолдирганлар.

1549 йил Бухоро ҳукмдори Абдулазизхон вафот этгач, шайбонийлар ўртасида Бухоро тахти учун кураш бошланиб, қарийб икки йилча давом этди. Бу орада Пирмухаммадхон Балхдан от суриб келиб, Бухорони эгаллади. Лекин уни узок ушлаб тура олмади. Нихоят 1551 йил Бухоро тахти Муҳаммадёр султон ва Бурхон султонларга насиб этди. 1551-1554 йилларда Бухорода қўшхоқимиятчилик ҳукм сурди, яъни Бухорони икки шайбонийзода Муҳаммадёр султон ва Бурхон султонлар бошқаришди. Хар жихатдан ноқулай бўлган бундай бошқарув усули узок давом этмаслиги муқаррар эди.

Уч йил ўтгач, икки ҳукмдор ўртасидаги пинҳона хусумат Бурхон султон фойдасига интихо топди. Шу давр мобайнида Бурхон султон тарафдорлари орта бориб, уни Муҳаммадёр султонга қарши қайрай бошладилар. «Бир шаҳарда икки ҳукмдор нима қилади, тож-тахт сизга ярашади» каби сўзлар билан уни яққа ҳукмронликка даъват этдилар. Нихоят, Бурхон султон 1554 йил бир гуруҳ тарафдорлари ҳамроҳлигида Бухоро Аркига қилич яланғочлаб қириб, Муҳаммадёр султонни қатл этди ҳамда шаҳарнинг яққа ҳукмдорига айланди. Лекин орадан уч йил ўтиб бу қилмиши ўзига қайтишини, ўзини бундан ҳам оғирроқ қисмат қутаётганини билмасди.

Бурхон султон учун Бухорони ушлаб туриш осон бўлмади. Бухоро даъвосини қилган шайбонийзодалардан Саййид султон, Наврўз Аҳмадхон, Абдуллахонлар ҳужумига бардош беришга тўғри келди. Саййид султон ва Наврўз Аҳмадхонлар ҳужум қилганда эса, Балхда турган Абдуллахонга ёрдам сўраб мурожаат қилди ва бунинг эвазига унга

Бухорони топширишини ваъда килди. Абдуллахон бу таклифни кабул килиб Бухоро томонга караб от сурди. 1555 йил июнь ойида Бурхон султон бир гурух аркони давлатлар, номдор савдогарлар ва бошка табакалар хамрохлигида Шахри Ислон мавзеида Абдуллахонга пешвоз чикиб, унга Бухоронинг калитини топширди. Ўзи эса Коракўл томонга юзланди ва бир муддат шу ерда турди. Орадан 15 кун ўтгач, Абдуллахонга нисбатан хоинлик йўлига ўтиб, итоат халқасидан чикканлигини эълон этди ҳамда Бухорони қайта қўлга киритиш учун кураш бошлади. Ромитан қалъасига беркиниб олиб, каттик қаршилиқ кўрсатди. Бирор натижага эриша олмаган Абдуллахон Бухорони ташлаб, Майманага караб йўл олди. Бурхон султон эса Бухорони эгаллади. У Бухорода хукмронлик қилган йилларда ўзи учун қучли ижтимоий қатлам ярата олмади. Хўжа Ислон Жўйборийга нисбатан эса ихлоси йўқ эди. Хатто бир бор Хўжа Ислон султондан каттик ранжиб Хоразмга кетиб қолди. Лекин Бурхон султон қилган ишига пушаймон бўлиб, уни яна Бухорога олиб келди.

1556 йил бахорида Абдуллахон Бухорони эгаллаш тараддудини қўра бошлади. Бундан воқиф бўлган Бурхон султон энди собиқ муҳолифи Наврўз Аҳмадхонга ёрдам сўраб муружаат қилди. Наврўз Аҳмадхон икки минг қишилиқ қўшин хамрохлигида. Бухоро томонга юзланиб, Дурбай мавзеига келиб тўхтади ва шу ерда Бурхон султон билан музокара бошлади. Учрашув пайтида Бурхон султон Наврўз Аҳмадхонни қўпдан-қўп совгалар билан сийлади. Бунинг эвазига Наврўз Аҳмадхон Бурхон султоннинг ўзига нисбатан тутган қанимлик йўлини, бевафолигини кечирди. Шундан сўнг улар иттифок бўлиб Абдуллахон қўшинларига қарши кураш бошладилар. Лекин бўлиб ўтган тўқнашувлардан бирор натижа қилмагач, урушувчи томонлар жанг қаракатларини тўқтатдилар. Бухоро яна Бурхон султон қўлида қолди.

Лекин 1557 йил ёзида Бухоро яна Абдуллахон томонидан қамал этилди. Бурхон султон учун энди ҳаёт-мамот жанги бошланди. Қамал узокка қўзилавергач, Бурхон султон ўз маҳрамлари билан қенгашиб, Абдуллахондан сулҳ сўрашни ва бу ишда Хўжа Ислонни қоситачи қилишни режалаштирди. Хўжа Ислоннинг Бурхон султонга қайриқохлиги йўқ эди. «Қаноқиб саъдийа» қўлқзма асарига қайд этилишича, Хўжа Ислон ўз ёрон ва маҳрамлари қузурига: «Бурхон султонни Бухоро тахтидан четлаштирмасам пушти қадаримдан бўлган эмасман» деган экан. Хўжа Ислоннинг Бурхон султонга бўлган қусумати қанчалиқ қучли бўлмасин, у фуқаро осойишталигини таъминлаш зарурлигини қуқур англаб, иққала томонни муросага қелтиришга бел боғлади ва Бурхон султон таклифини қабул қилди. «Қавзат ар-ризвон» қўлқзма асари маълумотларига қўра, Бурхон султон Хўжа Ислондан Абдуллахон олдига қориб сулҳ сўрашни илтимос қилганда у шундай деган экан: «Қусулмонлар осойишталиги учун ораларингда сулҳ тузмокчимиз. Сулҳни қабул қилмасанг Хўжа Бақоуддин Қакшбанд қирларига қирифторм бўласан». Шундай деб қўрсатқич бармогини қудди найзадек қилиб Бурхон султоннинг бўйнига қўйди, сўнг Бухоронинг Қозор дарвозасидан қикиб Абдуллахон қарорқохига равона бўлди. Абдуллахон қузурига қелиб сулҳ тузишга қўндирди. Эрта сақарда Бурхон султоннинг ўлдирилганлиги тўгрисида қабар тарқалди. Хўжа Ислон музокара олиб қориш учун Абдуллахон қузурига қелган пайтида қушчи уругидан бўлган Қирза Ақа-бий деган қиши Бурхон султон олдига қориб, уни турли йўллар билан алдаб ўз уйига қелишга қўндирди ва уйига олиб қелиб қалласини танасидан қудо қилди. Қуқмдорнинг қесилган боши бир неча муддат Арқ дарвозаси тепасига осиб қўйилди. Қейинчалиқ найзага илдирилиб, Абдуллахон олдига олиб қелинди ва унинг оёги остига ташланди. Бу воқеа 1557 йил шаъбон ойининг қума қуни содир бўлди, Бурхон султон қимнинг мақфи

буйруги билан ўлдирилганлиги тўғрисида тарихий манбаларда аниқ маълумот учрамайди. Лекин ҳукм канчалик шафкатсиз бўлмасин, у адолатли эди. Зеро, Бурхон султон катлидан сўнг ҳокимиятни эгаллаган Абдуллахон Бухоро тарихида янги даврни бошлаб берди.

Халим Тўраев.

Бухоро Давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди